

СУД ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ФУҚАРОЛАР ЎЗ ҲАЁТИДА СЕЗМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев суд тизимини такомиллаштириш ва одил судлов масалаларига оид тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда бу соҳа изчил ислох қилиниб, судлар жазоловчи орган-дан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тизимга айлантирилди.

Жумладан, маъмурий судлар ташкил этилди. Манишй зўравонликнинг олдини олишга қаратилган самарали чоралар кўрилди. Оилавий масалаларга ихтисослашган судьялар корпуси яратилди. Инвестициявий низолар бўйича алоҳида судлов таркиби ташкил этилди.

Бу ислохотларни фуқаролар ўз ҳаётида сезмоқда, хорижий экспертлар муҳим қадам сифатида эътироф этмоқда.

Шу билан бирга, судловнинг очиқлиги ва халқчиллигини таъминлаш, рақамлаштириш орқали одамларга қулайлик яратиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўп масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Тақдимотда бу борадаги режалар ва уларни амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Одил судлов соҳасини рақамлаштириш мақсадида ривожланган давлат-

ларнинг тажрибаси асосида “Рақамли суд” концепцияси ишлаб чиқилди ва уни изчил амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Бу корупциянинг олдини олиш, фуқаролар ва тадбиркорларга овозгарчиликсиз одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Таҳлилларга кўра, фуқаролик ва иқтисодий судларда кўриладиган даъволарнинг катта қисми низосиз ишларга тўғри келмоқда. Шу боис, бундай масалаларни маъмурий органлар ваколатига ўтказиш тақлиф этилмоқда. Бундай тизим фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари муамоларининг қисқа муддатда ҳал этилишини таъминлайди.

Яна бир қулайлик — маъмурий ва иқтисодий суд ишларини экстерриториал тарзда кўриш тартибини жорий этиш. Бугунги рақамли технологиялар асрида бунинг имкони бор.

Адолат ва ишончни таъминлашда судьялик лавозимининг барқарорлиги муҳим. Шу мақсадда судьяликка

тайинлаш муддатларини қайта кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Барча йўналишдаги судлар бўйича минтақавий тафтиш судларини ташкил этиш, вилоят ва унга тенглаштирилган судлардаги тафтиш инстанцияларини тугатиш тақлифи билдирилди. Бунда вилоят ва унга тенглаштирилган судларда фақатгина апелляция ва кассация инстанцияси бўлиши, тафтиш инстанцияси эса 5 та минтақавий судда ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Яна бир муҳим масала — суд тизими учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришдир. Шу мақсадда Судьялар олий мактабини ислох этиб, унинг негизда Одил судлов академиясини ташкил этиш концепцияси тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари билдирилган тақлифларни маъқуллаб, тегишли фармонларни имзолади. Режалаштирилган вазифалар ижросини тизимли ва си-фатли таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

ЎЗБЕК ИСТИҚЛАШ ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТУРКМАНИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 22 август куни “Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон” форматидаги уч томонлама саммитда иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

“Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтадиган тадбир кун тартибига мувофиқ, кўп томонлама ҳамкорлиқни, энг аввало, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва гуманитар соҳаларда ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Қатор қўшма ҳужжатлар имзолалиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари саммит доира-сида икки томонлама музокаралар ҳам ўтказида.

ЎЗА

ЎЗБЕК ИСТИҚЛАШ — ТУРКМАНИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН САММИТИ БИРГАЛИҚДАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР САРИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 22 август куни Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтадиган “Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон” форматидаги уч томонлама саммитда иштирок этади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг Туркменистон билан ҳам, Озарбайжон билан ҳам икки ва кўп томонлама муносабатлари юксак даражага кўтарилган. Бугун жаҳонда кечаётган глобал ўзгаришлар эса уч давлат ўртасидаги алоқаларни барча жабҳаларда янги босқичга олиб чиқишни тақозо қилмоқда. Хусусан, транспорт-коммуникация, энергетика, денгизга чиқиш ва бошқа йўналишларда ўзаро шериклиқни жадаллаштириш учун юқори салоҳият мавжуд.



Туркманбоши шаҳрида ўтадиган уч томонлама саммит ана шу салоҳиятдан унумли фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиши кутилмоқда.

Қайд этиш жонз, шу йил 5-8 август кунлари Туркменистоннинг “Аваза” миллий туристик ҳудудида бўлиб ўтган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида ҳам Ўзбекистон Президенти

Шавкат Мирзиёев, туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Бош вазири Али Асадовнинг уч томонлама учрашуви бўлиб ўтган эди. Унда ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Давоми 2-бетда



ЎЗБЕК СПОРТ ФАЛСАФАСИНИНГ ЯНГИ “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”, МУКАММАЛ ТИЗИМНИНГ ИККИ БЎҒИНИ

Муайян макон ва замонлар борки, улар бутун бир жамиятнинг руҳий қиёфасига айланади. Масалан, турли даврларда турли халқлар ўз куч-қудратини қандай намоён этганини эслайлик. Бобилликлар Иштар дарвозасию Этаменанки зиккурати курган бўлса, Миср фиръавнлари пирамидалар орқали абадийликка интилган. Европада эса ўрта асрларда нафис шаҳар майдонлари элнинг бирдамлигини, улуғвор университет бинолари илмга эҳтиёжни ифода этган. Яъни ҳар бир жамият ўзи учун муҳим бўлган қадриятни моддий шаклга солиб кўрган.

Шу маънода, юртимизда қурилган Олимпия шаҳарчаси — инсон ва жамият иродасининг моддийлашуви, ниятли ҳаракатнинг амалга кўчган қиёфасидир. Зотан, ҳар бир замон ўзини алоҳида бир рамз орқали ифода қилади. Олимпия шаҳарчаси эса бугунги миллатнинг ички қудратини,

уюшқоқликнинг янги маданиятини ва интизомга бўлган тайёрлигини, ўз имкониятларини синовдан ўтказишга шиддат билан киришганини намоён этади. Унда ўзбеки-нинг ўз сўзини дунёга эшиттириш истаги мужассам.

Давоми 3-бетда



ФАЛАСТИН МАТБУОТИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ОҚИЛОНА СИЁСАТИНИ ОЛҚИШЛАМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 14 августдаги “Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлиги, меҳр-шафқат тамойиллари асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини фаластинликлар катта мамнуният билан эътироф этмоқда.

Фаластиннинг “Wafa”, “SadaneWS” ахборот агентликлари, “Alquds” каби қатор нашрларида “Фаластин ҳукумати Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда истиқомат қилувчи Фаластин фуқароларига ёрдам кўрсатиш бўйича яхлит тизим яратиш тўғрисидаги фармонини олқишлайди” сарлавҳали мақола чоп этилгани бунинг ёрқин мисолидир.

Мақолада давлатимиз раҳбарининг юртимизга олиб келинган фаластинлик фуқароларга ижтимоий ёрдам жорий этилиши назарда тутилган фармони ҳақида сўз боради. Жумладан, ҳужжатда фаластинлик беморлар ва ҳамроҳлари мослашувини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус республика комиссияси ҳамда улар учун барқарор парваршиш ва кенг қамровли ижтимоий хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилиши белгилангани алоҳида эътироф этилган.

Ўзбекистоннинг Фаластин халқига кўрсатётган салмоқли ёрдами ва барча даражада адолатли савб-ҳаракатни акс эттирувчи қада-ми таҳсинга лойиқ, дейилган мақолада. Шунингдек, республиканинг халқаро қонунийлик

резолүциялари ва дунёвий ҳуқуқ меъёрига мувофиқ, икки давлат тамойилига асосланган Фаластинни қўллаб-қувватлаш борасидаги принципиал ва тарихий позицияси юқори баҳоланган.

Муаллиф юртимизда инсон ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматини улуғлаш, муҳтожларга меҳр билан ёндашиш, эзгулик ва адолат тамойилига содиқ қолиш динимиз, маданиятимиз ва анъаналаримизнинг ажрамас қисми эканига алоҳида эътибор қаратган.

Мақолада фаластинликларни қўллаб-қувватлаш ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг халқаро гуманитар ва инсон ҳуқуқи тамойилига содиқлигининг яна бир ифодаси эканига урғу берилган. Бу жараён халқаро бирдамлиқни мустаҳкамлаш, урушдан жабрланганларни ҳимоя қилиш, кишилар ҳаёти ва асосий ҳуқуқига таҳдид солувчи жиддий инқироз шариотида инсоний қадр-қимматни сақлаб қолишнинг амалий намунаси сифатида эътироф этилган.

Муҳаррама ПИРМАТОВА,
ЎЗА мухбири

НУРОНИЙЛАР ТАШАББУСКОР КУЧГА АЙЛАНДИ

Мустақиллигимизнинг 34 йиллик байрами “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” эзгу ғояси остида катта қувонч ва тантаналар билан бошланмоқда. Бу халқимизнинг бахтиёр қиёфасида, нурунийларимизнинг нузли чехрасида акс этмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз аҳиллигимиз, ўзаро меҳр-оқибатимизда, инсон қадри улуғланаётган диёрда биз — нурунийларнинг дилида, тилида шукрона бўлиб ифодаланмоқда. Энг муҳими, байрам тантаналарини тинч ва осойишта муҳитда нишонлаётганимизнинг ўзи улкан саодат.

Шуқуҳли кунларда барча соҳа ва тармоқлардаги орта қайтмас ислохотларимиз “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётгани халқимизнинг кундан кун фаровон бўлиб бораётган ҳаётида акс этмоқда. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек эзгу ҳаракатларда юртимиз нурунийлари алоҳида ғайрат билан барчага намуна бўлаётгани таҳсинга сазовор.

Ҳозирги нурунийлар 9-10 йил аввалги чол-кампишлардан кескин фарқ қилади. Илгари пенсия ёшига етганлар ўзини жамият ҳаётига кераксиздек ҳис этган даврлар ҳам бўлди. Ўша паллада “Нуруний” жамғармаси фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш билангина шугулланган.

Давоми 2-бетда



2025 йил 22 август, 171-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН САММИТИ

БИРГАЛИКДАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР САРИ НАВБАТДАГИ ҚАДАМ

Бошланиши 1-бетда

Энг аввало, энергетика, транспорт ва логистика, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперация учун имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Амалий ҳамкорлиқнинг истиқболли лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун мазкур форматдаги мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 2017 йил 6 мартда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва 2022 йил 21 октябрда имзоланган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация икки томонлама ҳамкорликнинг мустақкам шартномавий-ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилмоқда.

“Давлат раҳбарларининг ўзаро расмий ташрифлари ва кўп томонлама форматдаги учрашувлари давомида икки мамлакат алоқаларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу учрашувлар, шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасида узоқ муддатли барқарор шериклик, тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ҳамда кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Туркменистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан бири ҳисобланади. 2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 464 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Туркменистон томони билан 240 та қўшма корхона самарали фаолият олиб бормоқда.

Икки давлатнинг минтақда йирик энергетика лойиҳаларини амалга оширишда ҳам фаол иштироки кузатишмоқда. Шунингдек, транспорт соҳаси муносабатларининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтайди.

Айтиш жоизки, ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига боғлаб турадиган тарих, туризм, маданият ва урф-одатлар халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар ва туризм соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш учун мустақкам асос бўлиб хизмат қилаётир.

Яна бир муҳим жиҳат бу — юртимизда туркман тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Шунингдек, буюк

ўзбек шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий мероси Туркменистонда юксак қадрланади. Туркман халқининг ардоқли шоири Махтумқули Фироғий ғазаллари эса мамлакатимизда севиб мутлола қилинади.

Озарбайжон Ўзбекистоннинг янги дўсти ва вақт синовидан ўтган ишончли стратегик ҳамкоридир. 2022 йилда Стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантириш декларацияси ҳамда 2024 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома каби ҳужжатларнинг имзола-ниши билан икки томонлама муносабатлар тарихида мутлақо янги саҳифа очилди.

Мунтазам ташрифлар ва олий даражадаги учрашувлар ҳамкорлиқнинг барча йўналишларида юқори суръатларни белгилаб, ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилипти.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, жаҳон бозорида рақобатбардошликни ошириш, хорижий шериклар билан ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштириш, минтақда янги транспорт йўлакларини яратиш, ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш халқаро ҳамкорлиқнинг энг муҳим йўналишларидандир.

Транспорт маъмуриятлари даражасида яқин мулоқотлар олиб борилмоқда, савдо-иқтисодий алоқалар, саноат кооперацияси мустақкамланмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбайжон мос равишда Марказий Осиё ва Жанубий Кавказда йирик иқтисодий салоҳиятга эга давлатлар саналади. Бу уларни иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни чуқурлаштиришга интилаётган иқтисодий жиҳатдан истиқболли шерикларга айлантиради. Шунингдек, Озарбайжон капитални иштирокида савдо, машинасозлик ва металл ишлов бериш, молия ва сугурта, кўчмас мулк олди-сотдиси, энергетика, хизмат кўрсатиш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати, енгил саноат ва бошқа йўналишларда фаолият юритаётган 250 дан ортиқ корхона Ўзбекистон иқтисодиётига ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Озарбайжонда “UzAuto” автомобиль йиғиш заводининг очилиши саноат кооперациясининг ёрқин мисолларидан бири бўлди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини кенгайтирди ва Озарбайжонда янги иш ўринлари яратди. Шу билан бирга, агро-саноат, тўқимачилик саноати, логистика соҳаларидаги кооперация ҳам муваффақиятли ривожланипти. Ҳар икки давлат ҳам Транскаспий йўналиши лойиҳалари орқали транзит салоҳиятидан самарали фойдаланади, шунингдек, транспорт стратегияларини интеграциялашувидан манфаатдор.

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2024 йил якунига кўра, 250 миллион доллардан ошди. Шу билан бирга, томонлар келгуси йилларда уни бир неча баробар оширишга инти-лмоқда. Бунга мамлакатлар ўртасида ўрнатилган эркин савдо режими ва жорий йилнинг июнь ойида Бокуда сўнгги йиғилиши бўлиб ўтган ҳамкорлик бўйича Ҳукуматларо қўшма қўшма ақидани қўллашмоқда.

Шунингдек, икки давлат ҳудудидидаги энг истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида 2023

ЖАРАЁН

йилда устав капитали 500 миллион доллар бўлган Ўзбекистон — Озарбайжон қўшма инвестиция компани-яси ташкил этилди.

Мазкур тузилмаларнинг ташкил этилиши расмий Тошкент ва Бокунинг иқтисодий интеграциялашуви ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқнинг мавжуд салоҳиятини тўлиқ амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлигидан далолат беради. Буни кўпалаб тадбирлар — кўргазмалар, бизнес-форумлар, бизнес миссиялар ҳам тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон 2030 йилдан бошлаб мамлакатда ишлаб чиқарилган ортиқча “яшил” электр энергиясини Озарбайжон орқали Европага экспорт қилишни режалаштиряпти. 2024 йил ноябрда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон Президентлари “Марказий Осиё — Озарбайжон — Европа” яшил энергетика йўлагини лойиҳасига старт берди. Ўтган йили декабрь ойида уч мамлакат ўртасида лойиҳанинг таъсис шартномаси имзоланди. Лойиҳанинг экологик аҳамиятини алоҳида қайд этиш керак. Узатиладиган энергия бу — шамол ва қуёш энергияси бўлиб, қайта тикланадиган ва тоза манба ҳисобланади ҳамда иқлимга таъсирни юмшатиш имконини беради.

Шу орқали Ўзбекистон ва Озарбайжон Париж битими ва Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида иқлимни муҳофиза қилиш бўйича қўшма саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда.

“Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги маданий-гуманитар, туризм алмашинувлари ривожлантиришда дин, тил, маданият ва анъаналарнинг тарихий муштараклиги муҳим ўрин тутди. Шунингдек, икки давлат ҳудудларида маданият ва адабиёт кунлари, кино ва иждодий ҳафталиклар, гастроль сафарлари, бадий кўргазмалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Озарбайжон билан дўстлик ришталарини мустақкамлашга бугун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган озар миллати вакиллари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Уларнинг маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш мақсадида мамлакатимизда Озарбайжон маданият марказлари уюшмаси ташкил этилган.

Мухтасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон” форматидagi уч томонлама саммитда иштирок этиши, аввало, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақаларини янада бирлаштириш, уч мамлакат ўртасида кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда икки минтақа халқларининг фаровонлигини оширишга ва биргаликдаги янги ютуқларни қўлга киритишга хизмат қилади.

“Дунё” АА



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

НУРОНИЙЛАР ТАШАББУСКОР КУЧГА АЙЛАНДИ



**Содиқжон ТУРДИЕВ,
“Нуроний” жамғармаси республика бoshқаруви раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор**

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги фармони эълон қилинган, кекса авлод вакилларининг жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эътибор ва ишонч нуронийларга жуда катта қувонч, ғайрат ва қанот бағишлади.

Бугун улар жамиятимиз ҳаётида фаол ва ташаббускордир. Маҳаллалар ва оилалар тинч-тотувлиги, ҳамжиҳатлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни билимли, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда давлатимиз раҳбарининг биз, нуронийларга билдираётган юксак ишончини оқлаш мақсадида бор куч ва имконият, катта ҳаётий тажрибасини ишга солаётир.

Жамиятимизнинг қайси жабҳасига кириб борманг, у ерда, албатта, фаол нуронийларни кўрасиз. Бири ёшларнинг қўлидан тутиб, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашаётган бўлса, бошқаси маҳаллалардаги томорқаларда камбағал оилалар аъзоларига ер илмини, богбонлик, деҳқончилик сирларини ўргатмоқда. Бошқа бирови камбағал оилалар вакилларининг ҳаётини яхшилаш учун маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда ишлаётган бўлса, яна кимдир оилалардаги нотинч муҳитни соғломлаштиришга уринмоқда.



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ҲИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



Аксарият нуронийлар ва бувижонларни эса богчаю мактабларда, олий ўқув юртиларида, маҳалла фуқаролар йиғинларида одамийлик сабоқларини ўтаётганида учратасиз. Баъзилари турли ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, соғлиқни сақлаш муассасалари, савдо масканларида юриб, халқимизнинг ижтимоий муаммоларини ўрганипти, жамоатчилик назоратини йўлга қўймоқда. Одамлар билан суҳбатлашиб, камчиликларни аниқлаб, бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотларга тақлифлар киришмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлардан бугун фаол нуронийлар чин маънода жамиятнинг қалби, уйи турган юрагини акс эттирувчи, жамиятни бутун бўй-басти билан кўрсатиб турувчи кўзгуга айлангани англашарилади.

Улар орасида зиёли тағриботчилар, файласуфлар, ишлаб чиқарувчилар, хунараманд тадбиркорлар, ижодкорлар ва яна бошқа соҳаларда юқори малака ҳамда тажриба ортиртган инсонларни учратиш табиий. Нуронийларнинг барчаси ўз салоҳияти ва имкониятидан келиб чиқиб, ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, халқимизнинг ҳаётини янада яхшилашга ҳаракат қилмоқда.

“Бир нуроний — ўн ёшга масъул”, “Нуроний — ҳар бир оиллага масъул” каби лойиҳалар, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш, “Устоз ва шогирд”, “Қўша қарши саодати”, “Ғайратли кексалар”, “Саломатлик сари 5000 қадам”, “Ўз уйинг-ни ўзинг асра!”, “Менинг маҳаллам — жиноятчиликдан холи ҳудуд”, “Оилам — менинг бахтим”, “Китоб-хон оила”, “Оталар чойхонаси” каби мавзулардаги маърифий ва спорт тадбирлари, “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шоири остида ўтаётган байрам тантаналарида нуронийларнинг ўз айтар сўзи, ўрни бор, албатта.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш йўлида ҳамкор ташкилотлар ва “маҳалла етилиги” билан ҳамқадам ҳаракат қилаётган нуронийлар фаоллиги туфайли ажралиш ёқасига келиб қолган келин-куёвлар яраштирилмоқда, оилалар камбағалликдан чиқарилапти. Алоҳида эътибор ва ишлашга мойил ёшлар муаммолари оилалар рўй-ха-

тидан чиқарилиб, ўқиши ва касб-хунар ўрганишига кўмаклашилмоқда. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари орқали кексалар саломатлиги янада мустақкамланмоқда.

Давлатимиз кўрсатаётган эъзоз ва эътибор отахону онахонларни чин маънода фаолликка, уйқоқлик ва зийракликка ундаяпти. Шу босис, жамиятимиздаги оғриқли масалаларни бартараф этишда нуронийлар кўплаб ташаббусларни илгари сурмоқда. Айниқса, оилалардаги нотинчликлар, ажралишлар кўпайиб бораётгани, бу масала жамиятимизнинг оғриқли нуқталаридан бирига айлангани уйғоқ қалбли барча кишилар қатори нуронийларни ҳам ўйлантириб турибди.

2024 йилда Президентимиз ташаббуси билан нуронийлар, имом-хатиблар, маҳалла фаолларидан иборат нуронийлар кенгаши ва ота-оналар гуруҳлари ташкил этилган эди. Давлатимиз раҳбари ишонч билдирганидек, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида мазкур кенгаш тажрибаси самарали бўлди.

“Нуроний” жамғармаси республика бoshқаруви масъуллигида юртимизнинг барча ҳудудида ташкил этилган нуронийлар кенгашлари ва ота-оналар гуруҳлари бугун ҳам оилаларни мустақкамлаш, оналик ҳамда болаликни муҳофиза қилиш, эрта турмуш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ ва ажралишларнинг олдини олиш, тўғи-маъракаларни ихчам ўтказиш, ёшларни тежамкорликка ўргатиш, оилаларда тинчлик-тотувлиқни таъминлашда ўз сўзини қатъий айтиб, одамларни тўғри йўлга бошлаяпти. Шунингдек, қариндошлар ўртасидаги никоҳлар оқибатида ногиронлиги бор ва хаста фарзандлар туғилиши, миллий генофондимизга катта зарар етиши, бундай никоҳлардан туғилаётган ногиронлиги бор фарзандлар жамиятимизнинг оғриқли муаммоси бўлиб турганини ҳам нуронийлар аниқ мисоллар билан тушунтиряпти.

Яқинда Фарғона вилояти Кува туманида нуронийлар ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида оилаларни мустақкамлаш, ажралишлар, хотин-қизлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда ёшларни турмушга тайёрлаш, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш, юртимизда фаолият юритаётган Оқсоқоллар кенгаши ва ота-оналар гуруҳлари фаолиятининг таҳлилий муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда “Мамлакатимизда оилалар тинч, фаровон яшаши, уларнинг бағрида камолга етаётган эртаси эгалари — фарзандларимизнинг ҳар томонлама бахтиёр ўсиб-ўлғайиши учун барча шароит муҳайё қилинган бўлса-да, нега ажралишлар кўпаймоқда? Нега нотинч оилалар сони ортмоқда?” каби саволлар ўртага ташланди.

Ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларни ўргатган нуронийлар бу борада ўта муҳим омилни, яъни оилавий

ТАДБИРКОР БЎЛИБ КАМ БЎЛМАДИМ


“Равон тараққиёт орзуси” масъулияти чекланган жамиятимиз 2019 йилда иш бошлаган. Албатта, ҳар қандай фаолият бирданга изга тушиб кетмайди. Бугунги натижага, яъни давлат раҳбарининг эътирофи даражасидаги муваффақиятга эришиш осон кечмади. Машаққатли йўлларни босиб ўтдик. Бунинг самараси, аввало, минглаб янги иш ўринлари яратиб, одамларни даромадли қилганимизда, ишчиларнинг мамнун чехрасида, ҳаётдан розилигида кўринади.

Дил изҳори

Айни пайтда йил мавсумлари учун эркаклар, аёллар ҳамда болаларга мўлжалланган 100 дан ортиқ турдаги сифатли, харидоригр пойабзаллар, шунингдек, кеда ва кроссовкалар ишлаб чиқаряпмиз. Туркия, Хитой ва бошқа қатор ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада тайёрланаётган маҳсулотларимизнинг харидоригрлиги бизни янада изланиш, янгилаш ишлашга ундайди. Мутахассисларимиз доимий равишда маркетинг тадқиқотларини ўтказиб, бозор, истеъмолчиларнинг талаб ва тақлифларини ўрганиб боради. Ўрганишларга асосланиб янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш, уларнинг қулайлиги, сифати ва кўринишини яхшилаш борасида доимий



Андижон вилояти



**Абдулҳошим ИСМОИЛОВ,
“Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган тадбиркор”
фахрий унвони соҳиби**

изланишдамиз. Ишни ташкил этишда илгор иш услубларини қўллаш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим омил бўлмоқда. Шунинг учунми нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам маҳсулотларимизга талаб юқори.

Экспорт масаласига келадиган бўлсак, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Беларус, Молдова, Афғонистон сингари 20 га яқин давлат

билан ҳамкорлик қилияпмиз. Насиб қилса, яқин келажикда экспортимиз географиясини янада кенгайтира-миз. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорлар учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилаётгани муҳим омил бўлади. Бундай шароит барча тадбиркорларни янада самарали ишлашга илҳомлантиради. Юртимизда ҳар йили 20 августда давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан учрашуви анъанага айланди. Бу сананинг байрам сифатида нишонланаётгани эса бизнинг жамиятдаги ўрнимизни, фаолиятимизнинг нечоғлиқ муҳимлигини кўрсатди.

Президентимиз бу йилги очиқ мулоқотдаги нутқида тадбиркорларни қийнаётган муаммолар ечими сифатида уларга жуда кўплаб имтиёзлар яратилишини маълум қилди. Қувонарлиси, энди яқка тартибдаги тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилганга ҳам кўмак берилиб, улар 50-100 нафар одам ишлайдиган бакув-вар корхоналар соҳибига айлантирилади. Бу, албатта, кўплаб ёшларда тадбиркорликка қизиқиш уйғотиши билан аҳамиятли. Зеро, мамлакатда ишбилармонларини қўлайлиш юрт тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилади. Касбнинг фидойиси бўлган, фаоллик кўрсатаётганлар меҳнатининг ўзига ҳос рағбат топаётгани эса каттаю кичик соҳа вакилларини бирдек руҳлантиради.

Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатаётган бир гуруҳ бизнес соҳаси вакиллари, тадбиркорлар қаторида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвони билан тақдирланганимдан бошим кўкка етди. Кўнглимдан “Тадбиркор бўлиб кам бўлмадим, эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор топдим. Бундаини эътибор менга куч, шижоат беради. Бундан кейинги фаолиятимда ҳам Президентимиз ишончига монанд юртимиз равақига, ободлиги, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида янада фаол ишлашга ҳаракат қиламан” деган эзгу ўйлар ўтди.

Чунончи, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш биз, тадбиркорлар олдидаги кечиктириб бўлмас вазифага айланади. Зеро, бугун биздан юртимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда салмоқли натижаларга эришиш, ташаббускорлик, замонавий билим ва тажриба билан инвестицияларни жалб қилиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишини янада кенгайтириш талаб этиляпти. Шундай экан, биз ҳам ташаббусни қўлга олиб, бор куч ва салоҳиятимизни иқтисодиётимиз равақига, у орқали дастурхонимиз тўқинлигига муносиб ҳисса қўшайлик!

Андижон вилояти



ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ ВА МИЛЛИЙ ФУТБОЛ МАРКАЗИ



Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Унинг қурилишига 2022 йил 9 ноябрда давлатимиз раҳбари томонидан тамал тоши қўйилганда, бу ерда деярли ҳеч нарса йўқ эди. Бугун эса шу майдонда бутун бошли Олимпия шаҳарчаси қад ростлагани бунёдкорлик кайфияти, вақтни таҳлил қила олган катта режа ва жамоавий масъулиятнинг жонли исботидир.

100 гектардан ортиқ майдонда барпо этилган мажмуа лойиҳаси “САНС Engineering” компанияси томонидан амалга оширилгани, иш жараёнида энергетикакор ечимлар ва илгор технологиялар қўлланилгани ундан фойдаланишда яроқлилик муддатини узайтириб, хизмат сифатини ҳам кафолатлайди.

Шаҳарчада бешта асосий комплекс бор. Велодром — муҳандислик ва дизайн уйғунлигининг намунаси: ёғоч йўлак қаватма-қават ётқизилган, траектория ва бурилиш бурчаклари Халқаро олимпия қўмитаси талабларига мос, ички ҳарорат ҳам йил давомида барқарор. Хатто ҳаво қаршилиги омиллари инобатга олинган спортчининг сониялар билан ўлчанадиган натижасига таъсир қилади. Ёруғлиқнинг майдонга тенг тақсимланиши томошабинга қулайлик берса, телетрансляция учун ҳам сифат белгисидир. 2200 ўринли трибуна ҳимоя тўсиқлари билан жиҳозланган, майдон эса версатил: велоспортдан ташқари стол тенниси ва қиличбозлик мусобақаларини ҳам ўтказишга имкон беради. Бу даражадаги велодром мамлакатимизда ilk бор қурилгани маҳаллий спорт мактаблари учун янги босқич.

Шаҳарчада мақсадида 12 минг ўринли стадион жойлашган. Халқаро турнирлар пайтида бу ерда тантанали маросимлар ташкил этилади. Асосийси, яшил майдон ва 9 қаторли югуриш йўлагига енгил атлетиканинг 48 та йўналиши бўйича мусобақалар ўтказилади. Жумладан, жаҳон чемпионати, Бриллант лигаси, параватлетика бахслари, кўзи оқизлар ўртасида IBSA ўйинларини ташкил этиш мумкин. Стадиондаги тўрт қаватли бинода терма жамоалар мутахассислари ва спорт федерациялари фаолият юритади. Бошқа кунларда стадион маҳаллий ўқув-йигиналар, амалий машғулотлар ва дуал таълим учун фойдаланилади. Бундан ангиштиладики, иншоотлар фақат мусобақа пайтида эмас, кундалик ҳаётда ҳам аҳолига хизмат қилади.

Улкан сув спорти саройи ҳам замонавий ва қулай. Унда 25х50 метрли сузиш ва 25х20 метрли сувга сакраш ҳавзалари, машғулотлар учун бассейн ва тренажёр заллари бор. Барча шартлар ва ўлчамлар халқаро олимпия стандарти талабларига жавоб беради. Яқинда “World Aquatics” федерацияси делегацияси мажмуани кўриқдан ўтказди ва буни тасдиқлади. Яъни бу ерда сузиш, сувга сакраш, синхрон сузиш, сув полоси бўйича қўтға ва жаҳон чемпионати, Олимпия дастуридаги нуфузли мусобақаларни ташкил этиш имконияти бор. Уларни бир пайтнинг ўзида 2 мингдан зиёд мухлис томоша қилиши мумкин.

Жамоавий ва яккакураш спорт турлари мажмуалари ҳам халқаро талаблар даражасида бунёд этилган. Уларнинг ҳар бири уч қаватли, 2 минг ўринли. Жумладан, биринчи-

сида волейбол, баскетбол ва гандбол бўйича машғулот ва халқаро мусобақаларни ўтказиш мумкин. Яккакурашлар мажмуаси дзюдо, бокс, таэквондо каби спорт турларини ривожлантиришга асос бўлади. Олимпия шаҳарчасида футбол, волейбол, теннис, чим устида хоккей, енгил атлетика кабилар бўйича 15 та очиқ майдон ҳам барпо этилди. Бундан ташқари, 400 ўринли паралимпия ётоқхонаси, спорт тиббиёти илмий-амалий маркази қурилиш якуний босқичда.

Шаҳарча атрофида транспорт, алоқа, коммунал тармоқлар янгиланди, яшил ҳудудлар барпо этилди. Бу ердаги ҳар бир деталь — пиеда йўлакларидан тортиб, велоўлаклар ва инклюзив кириш чиқиш ечимларигача — қўшилганда, замонавий шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган экотизим ҳосил қилади.

Ижтимоий фойдаси янада кенг. Президентимиз томонидан берилган стол теннисини ҳар бир мактаб ва маҳаллада оммалаштириш, маҳаллий анжомлар ишлаб чиқаришга доир топшириқлар айнан шу инфратузилманинг мантиқий давомидир. Кичик бир маҳалладаги ракетка ва стол — халқаро майдондаги рекордлар силсиласининг бошланғич нуқтаси. Оммавий спорт ривожланиш, соғлом турмуш тарзи овдат: одат соғлиққа уйғун бўлса, соғлом авлод иқтисодиётнинг энг ишончли капиталига айланади.

— Иқтисодий таъсири ҳам сезиларли: халқаро мусобақалар туристик оқимни



Хаким Йўлдошев олган суратлар.

келгусидаги мусобақаларда натижаларни ошириш мақсад қилинган.

Президентимизнинг жорий йил 8 июлдаги қарори билан Ўзбекистон спортчиларини 2028 йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш дастури қабул қилинди. Бу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Миллий олимпия қўмитасининг 14 та ҳудудий бўлими ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Олимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус вакили этиб белгиланди. Ҳар бир ҳудудга Спорт вазирлиги ва Олимпия қўмитасидан масъуллар бириктирилди. Асосий мақсад юқори спорт натижаларига фақат битта Олимпиада эмас, доимий ва мустақкам замин яратиш.

Иқтидорли спортчиларни энг кўйи бугундан бошлаб саралаш ва профессионал этиб тайёрлаш учун ҳам босқичли “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақаси йўлга қўйилди. Унинг финал босқичи ҳар йили Олимпия шаҳарчасида “Президент Олимпиадаси” сифатида ўтказилади. Фолиб ва совриндор спортчилар Олимпия марказларига жалб этилиб, профессионал тайёрланади. Республика олимпия ва паралимпия марказининг фаолияти миллий терма жамоалар захирасини яратишга қаратилган. Ўқув-машғулотлар ўтказиб бориш учун Олимпия шаҳарчаси иншоотлари марказга бегараз асосда бириктирилади.

Шунингдек, атлетлар захирасини кенгайтириш мақсадида ҳусусий спорт клублари фаолияти такомиллаштирилиб, расмий мусобақалардаги иштироки таъминланади. Юқори натижа кўрсатган спортчилар миллий терма жамоаларга қабул қилиниши мумкин бўлади.

— Олимпия шаҳарчаси спорт илм-фани маркази сифатида ҳам юртимизда ўзгача ўрин эгаллади. Бу ерда Спорт вазирлиги, Антидопинг агентлиги, Давлат спорт академияси, Жисмоний тарбия илмий-тадқиқот институти, Спорт турларини ривожлантириш маркази

каби муассасаларнинг бир маконда жойлашгани бежиз эмас. Зеро, спортнинг келажаги фақат натижа билан эмас, унинг илмий асоси, тиббий таъминоти ва амалиётини интеграциялашгандагина мукамал бўлади, — дейди Ўзбекистон таэквондо (ПТФ) миллий ассоциацияси вице-президенти Отабек Жиянбоев. — Шаҳарчадаги спорт тиббиёти маркази орқали спортчиларнинг саломатлиги мунтазам назорат қилинади, уларнинг тикланиш жараёнлари эса замонавий технологиялар асосида ташкил этилади. Бу спортчининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, паралимпия ётоқхонаси имконияти чекланган спортчилар учун алоҳида қулайликлар яратиш, мамлакатимизда инклюзив спортнинг ривожланишига йўл очмоқда. Бу қадам спортимизда тенглик, адолат ва ҳамжиҳатлик ғояларининг амалдаги ифодаси десак муболаға бўлмас. Олимпия шаҳарчаси мамлакат спорт сиёсатининг узоқни кўзлаган, стратегик аҳамиятга эга йирик лойиҳаси сифатида ҳар бир йўналишда янги “сўқмоқ йўли”ни бошлаб бермоқда. У ерда спорт натижаси билан бирга спорт маданияти, кадриятлари, руҳияти ва ёш авлод тарбияси ҳам уйғун тарзда ривожланиши одамни хурсанд қилади.

Назаримда, “Янги Ўзбекистон” боғи, маърифат масканлари мажмуаси, Олимпия шаҳарчаси бир бутунлиқда янги Ўзбекистоннинг қиёфасини ташкил этади. Чунки спорт билан шугуллангани шакс нафақат жисмонан, балки маънан ҳам чиниқади. Бу илмий тарафлама исботланган. Донишмандлар бот-бот тақдор этган. Хусусан, “Мутаносиблигини сақлаш, гўзал ва соғлом бўлиш учун фақат фан ва санъат соҳасидаги билимларнинг ўзи кифоя қилмайди, бунинг учун умр бўйи бадантарбия ва гимнастика билан шугулланиш талаб этилади”, дейди Афлотун.

Уч йил аввалги бўш майдондан бугунги мукамал спорт кластеригача бўлган йўл, шунчаки лойиҳа, маблаг ва материаллар ҳақидагина эмас. Бу, аввало, юртининг ўз кучига ишончи, замонавий стандартларни ўзлаштиришга бўлган шайлиги, рақобатда фақат иштирокчи эмас, меъзон ҳам бўлиш мумкин деган даъводир. Олимпия шаҳарчаси — соғлом ҳаётга довдат, меҳнат ва интизом маданияти, халқаро спорт ҳаритасидаги янги йирик нуқта. Шу боис, у ерда янграйдиган ҳар бир старт, ҳар битта қарсак бүгунги ва эртанги натижалар, галабалар оҳангига эш бўлади.

Олимпия шаҳарчаси юртимизда спортнинг турли йўналишларини бирлаштириб, унинг замонавий қиёфасини намоён этар экан, шунга монанд равишда алоҳида спорт турлари учун ҳам ўзига хос қувват масканлари барпо этилмоқда. Спортнинг умумтараққиёти ҳам-жихатлиқ талаб қилсада, ҳар бир тармоқнинг ўз йўли ва тимсоли ҳам бўлиши зарур. Шу маънода, футбол халқимиз руҳиятида алоҳида ўрин тутадиган, юртимиздаги энг оммавий ва таъсирчан спорт тури сифатида яшил майдонлардан ҳам кенроқ, каттароқ инфратузилмани талаб этади. Миллионлаб мухлислар орзу ва эҳтиросини ўз ичига сиғдира оладиган, ёшлар учун тақриба мактаби, спортчилар учун эса тайёргарлик кўргони ва-зифасини бажарадиган шундай маскан зарур эди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Миллий футбол маркази барпо этилди ва у Олимпия шаҳарчаси билан уйғун ҳолда мамлакатимиз спортини янги босқичга олиб чиқувчи мукамал тизимнинг бир бўғинига айланди.

Давлатимиз раҳбари икки йил олдин Юқори Чирчиқ туманига ташриф бўюриб, мавжуд стадионга туташ ҳудудда замонавий мажмуа бунёд этиш зарурлигини айтган эди. Қўп ўтмай, 2023 йил 3 ноябрда “Футбол-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда халқаро стандартларга мос келадиган футбол инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори имзоланди. Бу ҳужжат янги марказнинг концепциясига ҳуқуқий ва ташкилий таянч бўлиб хизмат қилди.

— Яқин йилларгача Ўзбекистон терма жамоалари тайёргарлиги асосан Тошкентдаги “Бунёдкор” академияси майдонлари ва турли ҳудудий стадионларда амалга ошириларди. Бир вақтнинг ўзида бир неча терма жамоани тайёрлаш имконияти чекланган, футбол мутахассислари тайёргарлиги ҳам тўлиқ йўлга қўйилмаган. Мураббий ва ҳакамлар курслари алоҳида ўтказилгани билан илмий-тадқиқот ёки таҳлил марказлари йўқ эди. Замонавий селекция тизими ҳам йўлга қўйилмагани учун иқтидорли ёшларни саралаш мурраккаб кечарди. Шунингдек, спорт тиббиёт соҳасида ҳам катта бўшлиқлар бўлган. Жароҳат олган футболчилар кўпинча хорижда даволанишга мажбур эди. Замонавий тренажёрлар, криотерапия каби тикланиш усуллари мавжуд бўлмаган. VAR тизими айрим стадионларда



қўлланилган, аммо марказлашган кузатув мажмуаси йўқ эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қисқа фурсатларда барпо этилган Миллий футбол маркази барча йўналишларни бирлаштирувчи замонавий платформа сифатида иш бошлади, — дейди Ўзбекистон футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Равшан Эрматов. — Марказ бир вақтнинг ўзида 6 та терма жамоани ўқув-машғулот йиғинларини қабул қила олади. Иншоот таркибига стадионлар, ўқув бинолари, спорт заллари, меҳмонхона, шунингдек, пляж футбол бўйи майдони, футзал манежи, бассейн ва реабилитация бўлими киради. Бу ечимлар спортчининг кундалик машғулотидан тортиб, тикланишгача узлуксиз циклни таъминлайди, натижада вақт тежалди, сифат ошди, хавфсизлик кафолати мустаҳкамланди.

Мажмуада футболчи ва мутахассисларни тайёрлашга хизмат қиладиган тўрта ядро тузилма ташкил этилган: Футбол мутахассисларини тайёрлаш ва илмий-тадқиқот маркази, Футбол терма жамоалари тайёргарлик маркази, Республика футбол академияси ҳамда Спорт тиббиёти ва реабилитация маркази. Шу билан бирга, “VAR маркази”нинг йўлга қўйилиши бошқарув, таҳлил ва ҳакамлик маданиятини янги поғонага кўтарди — натижалар ошқорча, қарорлар тезкор, маълумотлар эса метрикаларга таянади. Тиббий-реабилитация блоки замонавий хорижий ускуналар билан жиҳозлангани, илгор усуллар ўзлаштирилгани футболчиларга қисқа фурсатда ўзини тиклаш имконини беради. Бу, айниқса, юқори зичлиқдаги мусобақа тақвимларида жароҳат хавфини пасайтириш ва майдондаги тўғри оқимларини ҳисоблаш учун ҳал қилувчи ўрин тутайди.

Академияда ёш истеъоддорларни аниқлаш ва тарбиялаш тизими халқаро қондаларга мос равишда йўлга қўйилган: Аргентина, Венгрия, Хорватия каби мамлакатларнинг шу соҳа мутахассислари жалб этилгани ўқув дастурларининг мазмунини бойитади, тренерлик, ҳакамлик, селекция ва таҳлил соҳаларида интеграл қобилиятларни шакллантиради. Бу ёш футболчининг техникасидан ташқари,

фикр тезлиги, қарор қабул қилиш маданияти ва рақобат руҳини ҳам кучайтиради.

— Йигирма йилдан бери шу соҳада ишлаيمان. Малакали шифокорлар, физиотерапевтлар, тўғри овқатланиш бўйича мутахассислар, спорт психологлари ва мураббийлар бир жамоа, ягона тизим сифатида фаолият юритишини энди кўришим. Биргалиқдаги бундай ёндашув натижасида футболчи индивидуал дастур асосида соғломлаштирилади. Миллий футбол марказида бу ёндашувлар халқаро тажрибага таянган ҳолда амалиётга татбиқ этилмоқда, — дейди Тиббиёт маркази бош шифокори Абдор Пирриев. — Масалан, футболчиларда энг кўп учрайдиган тизза ва тизза атрофи жароҳатлари учун махсус машқлар ва реабилитация жараёнлари ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, бош жароҳатларидан кейинги кузатув ва диагностика ҳам мунтазам назорат қилинади. Бу эса спортчилар саломатлигини узоқ мuddатли сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро спорт марказларида қўлланилаётган инновацион технологиялар — роботлаштирилган жароҳотлик, мушакларни тиклашда регенератив даволаш усуллари, биомеханик таҳлил каби йўналишлар Миллий футбол марказида ҳам босқичма-босқич жорий этиляпти. Тадқиқий, мукамал даволаниш, мунтазам йўлга қўйилган тиббий текширувлар, илмий тадқиқотлар, биринчи навбатда, футбол бўйича савиямизни яна кўтарди. Бу жисмоний тарафдан организмни кучайтириш имконини тақдим этса, руҳий жиҳатдан футболчиларнинг ўз имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга қўмаклашади. Шу тарзда Миллий футбол



марказида тиббий хизматлар спортчиларнинг саломатлиги ва фаолияти учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бу нафақат бугунги футболчиларнинг, балки келажак авлод спортчиларининг ҳам соғлом ва самарали фаолиятини таъминлайди.

— Сўнгги йилларда футбол экотизими босқичма-босқич яхшиланди: болалар спорт мактабларидан тортиб академияларга, клублардан миллий чемпионатгача бутун занжирдаги стандартлар қайта кўриб чиқилди, — дейди Ўзбекистон футбол ассоциацияси вице-президенти Одил Аҳмедов. — Натижа ажойиб: мамлакатимиз тарихида ilk бор миллий терма жамоаси Жаҳон чемпионатида йўл олди — бу энди спортдан, футболдан каттароқ нарсаси, бекиёс воқеали. Ушбу ютуқ тизимий ёндашувни самараси экани, салоҳият тўғри йўналтирилса, юқори мақсадлар мuddатидан олдин ҳам амалга ошишини кўрсатади. Ёшлар фронтинда ҳам шонли саҳифа ёзилди: апрель ойида Саудия Арабистонида бўлиб ўтган Осиё кубогига U-17 термаимиз финалда меzonларга қарши 2:0 ҳисобида галаба қилиб, қўтға чемпиони бўлди ва Жаҳон чемпионатида йўлларини қўлга киритди. Бу галаба интизом, жамоавийлик ва характернинг энг равшан исботи, шунингдек, марказ каби платформаларга қилинган инвестицияларнинг тезкор қайтиши. Галдаги мақсадлар ҳам талайгина. Машғулот методикасида фан ва маълумотлар таҳлилини кенгайтириш, ёшлар селекциясини ҳудудлар кесимида чуқурлаштириш, қизлар футбол ва инклюзив лойиҳаларини кучайтириш, спорт тиббиётини профилактиктик ёндашувни стандартга айлантириш. Ҳар бир болага қулай майдон, ҳар бир устозга замонавий асбоб-ускуна, ҳар бир жамоага аниқ меъёр ва адолатли рақобат муҳити яратиши, эҳҳе, орзиқиб кетади одам.

Ниятимиз Миллий футбол маркази бир неча йилда терма жамоаларимиз учун кадрлар конвейерига айлансин: академиядан клубга, клубдан термага табиий кўтарилиш траекторисини шаклландирсин. Жамоавий руҳ мустаҳкамлансин, шунда мамлакатнинг улкан орзуси — жаҳон саҳнасида ўз ўйинини намоиш этиш барқарор аянага айланади.





ФАРҒОНА МЕВАЛАРИ

ДУНЁ БОЗОРИДА БРЕНДГА АЙЛАНМОҚДА

Ёз, пишиқчилик мавсуми. Бозорларимиз мева, полиз ва сабзавотлар билан тўлган. Кўёшли заминимизда етиштирилган сархил маҳсулотларга талаб ички ва ташқари бозорда юқори. Жорий йилнинг шу кунига қадар фарғоналик миришкорлар етиштирган 110 минг тоннадан ортиқ сархил мева Россия, Латвия, Хитой, Беларусь, Малайзия сингари 35 дан зиёд давлатга экспорт қилинди.

Соҳага эътибор, яратилаётган имкониятлар туфайли вилоятда мева, сабзавот етиштириш ва экспорт ҳажми йил сайин ошиб бораётган. Буни рақамларда ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, 2023 йилда 220 миллион долларлик мева ва сабзавот экспорт қилинган бўлиб, ўтган йилда 327 миллион долларга етди. Сархил мевалар таъми, чиройли кўриниши ва муҳими, экологик тозалиги билан эътибор тортмоқда.

Бундан етти-саккиз йил аввал экологик тоза, табиий дармонларга бой мева-сабзавотнинг атиги 5-6 фоизи экспорт қилинарди. Пишиқчиликда ҳосилни узоқ сақлаш имкони йўқлиги сабаб фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, аҳоли томоқларига етиштирилган боғдорчилик маҳсулотларининг асосий қисми сувтекинга сотилган. Бу гаплар энди ўтмишга айланди. Кенг пайкаллар узга астанган боғу роғлар бугун ҳайрат ва ҳавасингизни келтирарди.

Фарғона вилоятида 42 минг 300 гектар бог ва тоқор бор. Уларнинг асосини интенсив боғлар ташкил этиди. Кейинги тўрт йилда 6400 гектар бог ва 3 минг гектар тоқор барпо этилди. Жорий йил баҳорда 4,5 минг гектар интенсив бог, 100 гектар тоқор ташкил этилиб, 3 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Айниқса, тизимли ишлар натижасида ҳудудларда узумзорлар кенгайиб бормоқда. Вилоятда 4,5 минг гектар узум боғлари мавжуд. Шундан 2400 гектари Олтиариқ туманида жойлашган.

— Узум Олтиариқнинг ўзига хос брендига айланди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Иқболжон Ғофуров. — Мавжуд 72 та маҳалладаги 40 мингдан ортиқ хонадоннинг деярли ҳар бирида узум етиштирилади. Айни кунларда Олтиариқ боғларида пишиб етилган сархил узум ҳосили экспортга тайёрланмоқда.

Тумандаги “Хайрулло Баҳром Бойматов” фермер ҳўжалиги узумзорида дунё бозорида харидоригр серҳосил навларни маҳаллийлаштириш бўйича изланишлар қилинмоқда. Салкам 100 гектар тоқордан ҳусайни, келин-бармок, ризамат ота, мерседес каби 20 навадги узумдан йилгига 3 минг тонна ҳосил олинади. Бог ёнида 2 минг тонна сийғимга эга совиткичли омбор қурилган. Маҳсулот дастлаб шу ерда сақланиб, саралангач, экспорт қилинади.

Мавсум жараёнида тадбиркорларга яқиндан кўмаклашиш мақсадида Фарғона вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси томонидан Экспортга кўмаклашиш маркази очилган. Марказда карантин инспекторлари фитосанитария сертификати расмийлаштириш, маҳсулотларни кичик лабораторияда текширувдан ўтказиш, юк машиналари зарарсизлантирилади. Шу боис, иш унумдорлигига дахл қилмаслик учун марказда куну турни хизмат кўрсатилади. Бу тадбиркорлар вақтини тежаш, барча ҳужжатларни бир жойда расмийлаштириш имконини беришти.

Бешариқ туманидаги “Trust agro” МЧЖ ташаббус билан Адиробод массивида мевани қайта ишлаш корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ, Лекин дунё бозорида табиий таъм ва фойдала витаминларга бой қуруқ мевага талаб кун сайин ортиб бормоқда. Ҳозир умумий қўймати 2 миллион АҚШ доллардан ортиқ, минг тоннага яқин қуруқ мева Россия, Хитой, Беларусь, Қозғистон, Литва ва Польшага экспорт қилинди.

— Хитойдан юқори унумли жиҳозлар олиб келганимиз, — дейди лойиҳа муаллифи Топволдид Мадррахимов. — Бу йил давомида 5 минг тоннадан ортиқ қуруқ мевани замонавий технологиялар ёрдамида саралаб, данагидан ажратиб, қадоқлаш имкониятини бермоқда. Туманимизда бу йўналишда замонавий ишлаб чиқариш корхонаси йўқ эди. Янги лойиҳа хомашё эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтирди, сифатини оширди. Мухими, деҳқон манфаатдорлиги ошди. Айни кунда кўшимча тармокларни ишга тушириш борасида ишляпмиз. Бу ерда 60 дан ортиқ доимий ва касаначилик асосида 200 та иш ўрни яратилди.

Бешариқ туманида 4 минг гектардан ортиқ мевали бог бор. Янги лойиҳа мавжуд боғлардан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган.

— Уйимизга яқин ҳудудда замонавий корхона ташкил этилганини айни мўддао бўлди, — дейди “Рапқон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нафиса Ортиқова. — Уй юмушлари, фарзанд тарбиясидан ортиб, бошқа жойга ишга боришга имкон топа олмаётгандим. Маҳалла фаолилари шу ерда иш борлигини айтишди, келиб адашмаган эканман. Уч миллион сўмга етказиб маош оляпмиз, текин тушлик, узокдан ишга бориб-келаётганлар учун транспорт хизмати йўлга қўйилган.

Экспорт салоҳиятини ошириш учун янги ер ўзлаштириш орқали бог яратиш ҳам яхши анъанага айланиб бораётти. Бунда “Ўз-Сеган”

ишлаш ва экспорт қилиш қуввати мавжуд. Уч минг тонна ҳажми музлаткичлар ҳамда замонавий логистика маркази ташкил этилган. Италия, Туркия, Жанубий Корея ва Хитойдан илгор технологиялар келтирилган. Бугунга қадар икки минг тоннадан ортиқ гилос, ўрик, шафтоли экспорт қилинди.

— Ўтган йили фермер ҳўжаликлари ва хонадонлардан қарийб икки минг тонна гилос, шафтоли ва анор йиғиб олиб, 5 миллион доллардан зиёд экспорт қилганимиз, — дейди инвестор Сан Ван Юн. — Бу йил экспорт микдорини икки хисса кўпайтирляпмиз. Фақат мева етиштириш билан келганиб қолаётганимиз йўқ. Италия, Туркия, Жанубий Корея ва Хитойдан илгор технологиялар келтириб, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш йўналишларида янги лойиҳаларни ишга туширляпмиз. Экспортга тайёрланаётган меваларни корхонамиздаги музлаткичларда сақлаб, ускуналар ёрдамида ранги, катта-кичиклигига қараб ажратиб оламиз. Зараркунандаларга қарши дезинфекция қилиш (фумигация) учун махсус хона мавжуд. Умуман, карантин инспекторлари импортёр давлатлар талабига мос равишда ишлямоқда. Айтиш мумкинки, серкўёш мамлакатингиз заминидан етилган мева ва сабзавотлар хорижда харидоригр.

— Жойларда узум, анор, малина, лимон ва бошқа мева ҳамда сабзавот етиштиришда ўзига хос тажрибали бор, — дейди Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик хузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти бўлими бошлиғи Шермуҳаммад Нўмонжонов. — Фарғона туманида малина етиштириш, қайта ишлаш, кўчатчилик, Учкўприқ туманида лимончилик тармокларини ривожлантириш, Олтиариқда узумчиликдан ташқари картошка етиштириш, Қувасойда интенсив усулда гилос боғлари, Қувасой ва узумчилик, Сўхда шафтоли ва ўрик етиштириш, Фарғона шаҳрида сабзавотчилик тармокларини кенгайтириш йўлида истиқболли лойиҳалар амалга оширил-

нидан 150 гектар майдонда хорижий инвестиция кўмагида янги интенсив бог қилинмоқда. Лойиҳа қўймати 2,5 миллион доллар бўлиб, бу маблаг туркиялик инвестор Аҳмад Саркангул томонидан киритилган.

— Лойиҳа ишга тушган, 200 та янги иш ўрни яратилади ва биринчи йилнинг ўзида 5,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади, — дейди инвестор. — Интенсив боғлар анъанавий боғларга нисбатан 3-4 баравар кўп ва сифатли ҳосил беради. Қолаверса, сувни 30-40 фоиз тежайди. Бунинг ҳисобига маҳсулот таннаҳи арзонлашади, манфаатдорлик юқори бўлади.

Қува, Олтиариқ туманлари, Қўқон шаҳрида экспорт штаби фаолият юритмоқда. Хорижа жўнатилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми шу ерда расмийлаштирилиб, тўғридан тўғри экспортга чиқариляпти. Штабда карантин, “Ўз-бекэкспертиза”, божхона ташкилотлари вакиллари ва декларантлар ишляйди. Олтиариқ туманида ҳўл мева маҳсулотлари улгуржи бозори ташкил этилди. Бозорда маҳсулот тайёрлаб берувчи воситачи-брокерлар хизмат кўрсатмоқда. Улар деҳқон ва аҳоли маҳсулотларини дала-нинг ўзида ёки бозорга олиб келиб, нақд пулга сотиш имкониятига эга. Бу ерда маҳсулотлар сараланиб, махсус омборхоналарда совитилгач, автофураларга юкланади.

— Жорий йил 30 июль куни Президентимиз расилгида мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспортини кўпайтириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу йўналишда ишляётган соҳибкорларга кўшимча имтиёз ва имкониятлар берилди, — дейди Фарғона вилояти ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Элдор Турсунқулов. — Хусусан, замонавий қадоқлаш лойиҳаларини ишга тушириш, дуқак-ли экин экиш-йиғиш техникасини 15 фоизгача субсидиялаш, кредит ставкасининг 10 фоиздан ошган қисмини қоплаб бериш амалиёти жорий этилмоқда. Қолаверса, ички бозор билан бир қаторда экспортга маҳсулот етиштириш

миллий ва минтақавий ташаббусларни илгари суриш, янги лойиҳаларга маблаг жалб қилишда биз учун катта имкониятдир. Демак, мажмур имкониятдан ҳар бир ҳудуд унумли фойдаланиши стратегик вазифасига айланиши зарур.

Фарғона вилояти ўзбекистоннинг энг серҳосил, агротиксидий салоҳияти юқори ҳудудларидан биридир. Мавжуд иссиқхоналар, боғлар, тоқзорлар, мева-сабзавот кластерлари ва замонавий қадоқлаш корхоналарини тўлиқ сафарбар қилмасдан туриб, экспортни кўзланган даражага чиқариб бўлмайди. Бу борада туман ҳокимликлари ва тадбиркорлар, боғбонлар билан ўзаро ҳамкорликда аниқ экспорт режалари, маҳсулот етиштириш жадваллари ва хорижий бозорлар билан шартномаларни тизимли асосда йўлга қўйишга эътибор берилляпти.

Фарғона вилояти ҳокимлиги, ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, ўзбекистон экспортчилари уюшмаси ҳамда ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази — UzTest билан ҳамкорликда “Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмини оширишда замонавий қадоқлашнинг ўрни” мавзусида очиқ мулоқот, амалий суҳбатлар ўтказиш анъанага айланган. Унда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт билан шуғулланидиган корхона раҳбарлари, деҳқон-фермерлар ва тадбиркорлар фаол иштирок этмоқда. Қувонарлиси, мавжуд муаммоларга шу ернинг ўзида ечим топиляпти. Бу йўналишда “даладан экспортёргача” тамоийли асосида ишлянапти. Руксат бериш ва сертификат хўжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ тизим тўлиқ электронлаштирилди. Ташқи иқтисодий фаолият юритувчи субъектлар билан тузилгандан шартномалар онлайн-оферта усулида расмийлаштирилмоқда. Бу маҳсулот экиш, парваришлаш ва экспортга чиқариш билан боғлиқ барча жараёнлар узвийлигини таъминляпти. Харидор экни тури, етиштиришдаги агротехник тадбирлар, ҳосилни териб олиш, қадоқлаш, қутилгага жойлаш, юклаш билан боғлиқ барча жараёнларни бевосита кузатиб бориш имкониятига эга.

Мева-сабзавотчилик тармоқлари ривожланган 13 та ҳудудда экспортчилар уюшмаси ташкил этилди. Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда хориж тилларини яхши ўзлаштирган салоҳиятли ёшлар экспортчи тадбиркорларга бириктириб берилляпти. Вилот ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасига Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси грант маблағлари ҳисобидан умумий қўймати 164 минг доллар бўлган замонавий фитосанитария, ўсимликлар ва мевали дарахтлар касалликларини аниқлаш лабораторияси жиҳозлари олиб келинди. Янги ускуналар ўсимликларга зарар келтирувчи, оддий қурилмаларда аниқлаб бўлмайдиган вирусли ва бактериологик касалликларни эрта аниқлашда кўл келляпти.

Қувасой шаҳри Суфрон қишлоғидаги “Қўпайсинобод” кўп тармокли фермер ҳўжалигида интенсив усулда яратилган боғда ўрик, шафтоли, беҳи, олма, олхўри, нок каби дарахтлар барваж ривожланмоқда. Боғнинг асосий қисми айни кунларда ҳосилга кирган.

— Ўн уч гектар ерда 30 хилга яқин мева-ли дарахт парваришляпмиз, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Шокиржон Қороев. — Интенсив бог ташкил қилинишиг ўзига хос афзалликлари бор. Мисол учун, анъанавий усулда дарахтлар ораси анчайин кенг бўлиши керак. Интенсив усулда эса уларнинг оралиғи 1-1,5

метрни ташкил қилади. Яъни 1 гектар майдонда 200-250 эмас, балки 1500-1700 тулгачча ниҳол ўтказилади. Натижада богдан олинадиган ҳосилдорлик 3-4 баробар юқори бўлади. Дарахтларга баҳорги-кузги ишлов бериш, буташ, зараркунандаларга қарши курашиш, ҳосилни йиғиштириш жўда муҳим омиллардан.

Фермер ҳўжалигида 5 гектар майдонда томчилятиб суғориш йўлга қўйилган. Бу эса сувни иқтисод қилишда кўл келмоқда. Серҳосил ва меваси харидоригр бўлган пакана ва ярим пакана навларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Дунё бозорида меваларнинг фақат таъми эмас, шакли, ранги, тиниқлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис, пакана дарахтларини кўпроқ экиш тавсия этиляпти, — дейди олмазор оралаб юрган миришкор Шокиржон Қороев. — Бундай навли ниҳолларнинг айрим турлари экилган йилнинг ўзидаёқ мева бериши мумкин. Баланд бўйлиларда эса бу жараён 4-8 йилгача қўзилади. Пакана дарахтлар тўрттинчи йилдан ҳар йили барқарор ҳосил бера бошляйди. Баланд бўйли дарахтлар борасида бундай деб бўлмайди. Бир йил шигил мева солса, кейинги йилда “дам олади”. Кўчатларни экишда уларнинг ҳосилдорлигидан ташқари бозор-гирлигига ҳам эътибор берляпти. Аскарят навларни маҳаллий пайвандтагларга ўзимиз улаганимиз. Натижа яхши, бу йил 300 миллион сўмга яқин даромад олишни кўзлаб турибмиз.

Вилотда кўчат етиштиришнинг интенсив усулларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўчатчилик йўналишида ишляётган фермер ҳўжаликлари томонидан ярим пакана, пакана мевали кўчатлар етиштириш йўлга қўйилгани четдан кўчат олиб келиш ҳажмининг 80 фоизгача қисқартирди.

— Давлатимиз раҳбарининг “Томорқа ер эгалари ва деҳқон ҳўжаликлари фаолиятида замонавий ташкил тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар кўламини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Унга кўра, Фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти йўлга қўйилди, — дейди Қува туманидаги “Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази томорқа хизмати” МЧЖ раҳбари Хурсаной Исломова. — Инновацион агротехнологияларни жорий этиш, замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш, интенсив боғларни кўпайтириш ҳамда инфратузилмани яхшилаш мақсадида жамғарма ҳисобидан 6 миллиард сўм ажратилди. Марказ тасарруфидига 395 гектар боғнинг самараси ва кам ҳосилли 168,8 гектари интенсив бошқа айлан-тирилди. Илмий-амалий тажрибавар учун коллекция навлари 230 турга етказилди. Ин-витро лабораториясида 150 минг тулп янги узум ва мевали кўчат, лимон, манзарали дарахтлар, гуллар ҳамда бошқа кўчатлар парвариши йўлга қўйилди.

Марказда тингловчиларга замонавий қулайликлар яратиш мақсадида маъмурий ва ўқув биноси ҳамда ётоқхона қайта таъмирланди. Янги ошхона биноси қуриб битказилди. Хитой ва Жанубий Корея тажрибаси асосида иссиқхона, кўргазмали кишик бог барпо этилди. Маҳсулотларини сақлаш учун 500 тонна сийғимга эга музлаткичли совитиш омборхоналари фойдаланишга топширилди. Қувасой шаҳрида томчиляб суғоришга асосланган 15 гектар интенсив бог барпо этилди.

Бу ерда шахсий томорқа ер эгаларига деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, кўвчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик ҳамда гулчиликни ривожлантириш бўйича қисқа муددатли ўқув курслари орқали малака ошириш тизими йўлга қўйилган. Ҳудуддаги 60 гектар майдонда инновацион иссиқхона барпо этилиб, полиз, сабзавот ва кўчатлар етиштириляпти. Лола Муротова номидаги қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган техникум ёшлари дуал таълим асосида машғулотлар ўтказлади.

Сирасини айтганда, қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари жадал ривожланиб, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш, озиқ-овқат ҳафизлигини таъминлаш каби муҳим ҳаётли масалаларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу аждодлардан мерос деҳқончилик маданиятини янги ўзбекистон руҳига мос равишда илм-фаннинг сўнгги ютуқлари, халқаро илгор тажриба-лар асосида янада ривожлантириш имконини бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Муносабат

Фармацевтика билан шуғулланувчи корхонамиз 2002 йилда иш бошлаган, аммо 2017 йилга қадар кўп қийинчиликларни енгиб ўтдик. Дорихоналарни импорт дори воситалари билан таъминлар эдик. Ўша пайтдаги иқтисодий муаммолар, айниқса, конвертация масаласини эслай туриб, бутунги кунларга етганимизга шўкр айтаман.

Чунки у пайтлар валюта ололган одамгича мол олиб келарди. Инвесторлар эса биз билан ишлашни истамасди. Негаки мен ўз валютамни олиб кирсам, қандай олиб чиқиб кетаман деган савол кўндаланг турарди уларнинг олдида. Шундай пайтда ҳам амаллаб ишлядик.

2017 йилдан барча соҳалар қатори тадбиркорлик борасида ҳам давлат сийсати ўзгариб, тарихий қонун ҳужжатлари қабул қилина бошланди. Бизнесни ривожлантиришга йўл очилди, иқтисодий муҳит яхшиланди. Шунда тушуниб етдикки, энди рақобат ҳам ўсади. Улгуржи сотиш билангича чекла-ниш кечаги куннинг иши бўлиб қолади. Бугёйга янгича ишлаб чиқаришни бошла-шимиз керак мақсад билан эксклюзив



Мурод НОСИРОВ,
“Group of Navbaho” масъуляти чекланган жамоати таъсисчиси,
“Дўстлик” ордени соҳиб

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва чакана савдо йўналишидан бордик. “Навбахор эксклюзив”, “Навбахор маркетинг” корхоналарини ташкил этиб, чет элдан авваллари Ўзбекис-онга кирмаган дори воситаларини олиб келдик. Маркетинг билан шуғулланганимиз кўл келди, тажрибамиз ортди. 2020 йилда

“Навбахор sanoat” корхонамизда таблетка ва капсула шаклидаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Биз билган қўллаб корхоналар Хитойга борарди. Чунки у ерда катта бозор, арзон дорилар бор. Ўзимиз ҳам Хитой технологиялари ва турли маҳсулотларини олиб келганимиз ўша пайтлар. Лекин шу билан бирга, Европа тажрибасини ҳам ўргана бошладик. Қизик жиҳати шундаки, Европада катта-катта фармацевтик корхоналар завод қурмас, компаниялар янги дори-лари йўлаб топил, ёки бошқа корхона-ларда ишлаб чиқариш орқали ўз брендини татбиқ қилар экан. Ўзига қулай жойда, ўзи истасган сифатни таъминлаб берадиган шарт-нома асосида ишлаб чиқараркан.

Бизда заводлар бор, яхши маҳсулотлар ишлаб чиқаради, лексин сотишда, экспортда қийинчиликларга дуч келимиз. Аслида, биз янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспортга йўналтиришни 2017 йилдан бошладик. Ахир бу жуда қисқа давр. Ўзбек брендлари энди ривожланиш палласида. Бунинг учун ҳам жуда катта маблаг, кучли мутахассис-лар керак. Шиддат билан бошқа бозорларга кириб, тадқиқотлар қилишга маблаг бўлма-гани учун ҳам биз кўп тўсиқларга учрадик. Масалан, Қозғистонга бориб, ўзимизнинг маҳсулотимизни сотадиган бўлсак, аввало,

рўйхатдан ўтишининг ўзи мураккаб. Улар-нинг талаби, қонун-қондасини ўрганиш жуда қийин кечадди. Чиғиркилардан ўтгандан кейин ҳам фармацевтика компанияларига маҳсулотларимизни сота олмай қолшимиз мумкин. Маҳсулот сифатини паст баҳолаши, пулни узоқлаштириб юбориш ҳолатларига дуч келганимиз. Агар шартнома асосида маҳсулотини ишлаб чиқариб берсак ва уларнинг ўзлари сотса, биз ҳам улар билан бирга бозорларга кира оламиз. Шу боис, инвестор топиб, қўшма корхона ташкил этдик. Техно-логик жиҳатдан ўзига хос, Марказий Осиёда ягона завод бўлди. Биринчи босқичда ам-пула шаклидаги дори воситаларини ишлаб чиқара бошладик.

Инвесторларимиз юртимиздаги инвестициявий муҳитдан, бизнес шaroитидан мамнун. Корхона лойиҳасини, қурилишини, монтаж ишларини ўзлари амалга оширди. Қурилиш жараёнларида биздан ҳеч нарсани яширмай, ўз тажрибасини ўргатди.

Мутахассисларимизни Европага олиб бориб ўқитди. Бу уларнинг европий ривожла-нишига хизмат қилди. Энг муҳими, энди тажрибали, замон талабларига жавоб бера-диган мутахассислар билан бошқа корхо-наларимизни бемалол ўзимиз қура оламиз. Ҳамкорларимиз эса яна иккинчи заводни

ҳам қуриб битириш арафасида. Қувонарли-си, учинчи корхонани қуриш бўйича ҳам биз билан шартнома имзоляяпти.

Баландривозлик эмас, буларнинг бар-часи мамлакатимизда тадбиркорларга ба-ричлаётган алоҳида эътибор самараси. Агар бугунгидай инвестиция муҳити бўлмаганида Ўзбекистонга ҳануз инвесторлар келмасди.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан учрашувида маълум бўлдики, ўтган сак-киз йилда юртимизда 230 миллиард доллар инвестиция кириб келган. Шундан 120 мил-лиард доллардан ортиғи хорижий сармоя. Эндиги имкониятлар бу кўрсаткичларнинг янада ўсиб боришига хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари бизнес вакилларида кў-шимча жой олишга эҳтиёж борлигини ино-батта қилиб, келгуси йилдан давлат активлари беш йилга ижарага берилишини айтди. Тиб-биёт кластерларини барпо этган тадбиркор-ларга 7 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр билан 17 фоизли арзон кредитлар берил-ган ҳолатлар аввал бўлганмиди? Лойиҳага соддалашган тартибда маблаг жалб қилиш бўйича инвестиция платформаси ишга ту-ширилиши ҳам айни мўддао бўлди. Бу билан биз каби тадбиркорларнинг ушбу янги тизим орқали йилгига қўшимча 1 миллиард доллар маблаг жалб қилиш имкониятига эга бўлиши

ҳам иқтисодийтимиз ривожига сезиларли ҳисса қўшади. Буларни тушуниб етиш, му-аммоларнинг ечими нимада эканини англаш учун давлатимиз раҳбари ҳар битта соҳанинг ич-ичига кириб борапти. Қаерда тўсиқ бўл-са, ўшани олиб ташлашга ўзлари бош бўла-ётганидан жуда хурсандмиз.

Хулоса қилиб айтдиган бўлсак, бугун бе-риляётган имтиёзлар, яратилаётган шaroит-ларнинг бари эртага, албатта, ўз натижасини кўрсатади. Тадбиркорликда тўғрисиўзлик, ҳалоллик, ишга мухаббат билан бирга, қўл-ловга муносиб жаваб ҳам бирламчи омил ҳисобланади. Шу маънода, фаолиятимизни бундан-да ривожлантириш, халқимизга наф келтирадиган янги лойиҳалар устида излан-япти. Бугунги кунда 800 га яқин кишини иш билан таъминлядик. Ҳозирда хорижий инвесторлар компанияларимиз маҳсулотла-рини импорт қилиш эмас, биз билан ишлаб чиқаришга қизиқиб билинляпти. Агар улар логистика хизматларига сарфланадиган харажатни дори-лар нахидан олиб ташла-са, аҳолимиз дори воситаларини арзонроқ харид қилади. Мана шундай эзгу ниятла-римиз, гоъларимиз давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланыляпти. Бу албатта, халқи-мизнинг, тадбиркорларнинг ютуғи.

“Дўстлик” ордени билан тақдирланга-нимни эшитибтоқ, ота-онамга бу сизларнинг тарбиянгиғи меvasи, денгиз. Қўзларига ёш келди. Элининг, давлат раҳбарининг назарига тушиш оson емаслиғи, буёйига ҳам шу йўлда бардавом бўлишини тилаб дуо қилди-лар. Юртимизга тўқинлик, фаровонлик, тад-биркорларимизга эса куч-қувват, саломат-лик тилашди. Зеро, чиндан ҳам халқимиз, оилалар ҳаётини фаровон қиладиган куч, бу — тадбиркорлар.

Шероод Коробоев олган суратлар.

ДИПЛОМГАЧА ВА УНДАН КЕЙИН...

ЁХУД ТАЛАБА ТАҚДИРИГА ТААЛЛУҚЛИ ЁНДАШУВ



Шерзод НЕЪМАТОВ,
физика-математика фанлари
доктори, профессор

Ишонч — масъулият демак

Йиғилишда битирувчилар бандлигини таъминлаш ечимлари кўрсатиб берилди. Бу фақат олийгоҳлар муаммоси эмас. Шунинг учун Президентимиз томонидан олий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган муҳим тақдирлар билдирилди. Масалан, энди қиймати 1 миллион доллардан, ишчилар сони 50 нафардан кўп бўлган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосида соҳалар ва йўналишлар кесимида мутахассисларга эҳтиёж кўрсатилади. Бу орқали масъул вазир ва тармоқ раҳбари олий ўқув юртига буюртма жойлаштириб, кадрларни мақсадли тайёрлашни йўлга қўяди. Яна бир ҳолат. Энди битирувчинини ишга олганлик учун тадбиркорлик рейтингини кўшимча балл берилади. Олий таълим муассасаси уларни бўш ўрин бор корхонага йўналтиради ва бу ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Бу механизм, биринчи навбатда, олий таълим муассасалари жамоаси масъулиятини оширади. Сон эмас, балки сифатга талаб кучаяди. Сабоби, Президентимиз томонидан ректорлар ваколати ва масъулиятини оширишда Янги Ўзбекистон университетининг боҳалаш тизимини бошқа муассасаларда ҳам йўлга қўйиш тақлифи билдирилди. Хўш, бу қандай тизим? Бунда ректорларнинг ишига 4 мезон асосида баҳо берилади. Давлатимиз раҳбари ушбу тизимни Қарши давлат техника университети мисолида тушунтириб берди. Демак, олий ўқув юртига битирувчилар бандлигига қараб 40 балл, илмий тадқиқотлар учун тармоқ буюртмаси ва маҳсулотини сотишига қараб 30 балл, илмий салоҳияти ва тан олинган халқро журналлардаги мақолалари учун 20 балл, жалб қилинган маҳаллий ва хорижий грант учун 10 баллгача берилади. Ушбу балларга қараб, юқори натижа кўрсатганлар давлат маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилади, “ишлаганган”лар, яъни кам балл олганлар эса жарима тўлайди.

Янги тизим олийгоҳлар ўртасидаги соғлом рақобатни кучайтиради, масъулиятни ошириб,

Селекция — талабалikka йўл

Талабаларимиз тўлиқ ишли бўлишига эришмоқчи бўлсак, кўпроқ билимли ёшларни ўқишга қабул қилишимиз лозим. Яъни селекциямиз яхши бўлиши керак. Масалан, университетимиз таркибида 3 та академик лицей бор. Биз уларнинг ўтган йилги кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Академик лицейларимиз битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичлари 96 фоиз атрофида. Бу яхши. Лекин уларнинг университетимиз талабаси бўлганлари 25 фоиз, холос.

Таҳлиллар бизни мушоҳада юритишга, муаммо ечимини излашга ундади. Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳар бир лицейда сўровномалар орқали ўқувчиларнинг қизиқиши, мақсади, дунёқарши, савияси ўрганиб чиқилди. Шунга қараб ўзлари севган, қизиққан соҳа объектларига экскурсиялар, қисқа муددатли амалиётлар ташкил этилди. Виллоятимиздаги Шўртан газ-кимё мажмуаси, Uzbekistan GTL ва шу каби ийрик саноат корхоналари раҳбарлари бу ташаббусимизни маъқуллашди. Ушбу саёхатлар орқали ўқувчиларда университет ва корхона ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида тасаввур шаклланади, билим олишга интилиш ортади, олийгоҳимизда ўқишга бўлган иштиёк кучаяди деган умиддамиз.

Тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозим. Буни фақат қабул жараёни давридагина амалга ошириш билан қийонланиб бўлмайди. Жорий йилда мактабларда кўплаб учрашувларни ташкил қилдик, маълумотномалар тарқатдик, университетимизни кенг тарғиб қилдик. Энди янги, таъсирчан механизмлар устида бош қотирялмиз. Бундан буюн олий таълим муассасалари мавқеи уларнинг номи билан эмас, балки талабаларининг ўқишни тутатганидан кейинги тақдир, ишга жойлашиш борасидаги кўрсаткичлари билан белгиланади.

Бугун — амалиётчи, эртага — ҳодим

Битирувчилар бандлигини таъминлашда талабаларни биринчи қурсдаёқ соҳалар кесимида ишлаб чиқаришга бориштириш амалиётини қўлайимиз. Олийгоҳни тамомлаган талабанинг дипломи олар-олмас иш тайин бўлса, у тўрт йил давомида шунга қараб ҳара-

кат қилади. Ўз устида ишлайди. Амалиётни ҳам ўқиш-ўрганишга айлантиради. Изланишдан тўхтамайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган янги тизим дуал таълимнинг янада сифатли, олийгоҳ ва корхона ўртасидаги интеграциянинг тобора мустаҳкам бўлишини тақозо этади. Президентимизнинг 2022 йил 7 июлдаги “Нефть ва газ соҳасида таълим-ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги муҳим дастуруламал бўлди. Бу қарор олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциянинг янги даврини бошлаб берди. Унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Ёш олимларнинг нуфузли



корхоналардаги замонавий лабораторияларда илмий тадқиқот ва тажриба-синов ишларини олиб боришлари учун кенг имконият яратилди. Талабаларнинг амалиётчи сифатли ташкил этилиб, корхоналар учун малакали кадрлар захираси шакллантирила бошланди. Бунинг натижасида нефть ва газ соҳасидаги таълим-ишлаб чиқариш кластерининг таркибига қирувчи корхоналарда, жумладан, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Uzbekistan GTL, Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасида ҳар йили университетнинг 700 нафардан ортик талабалари амалиёт ўтади, 40 нафардан ортик иқтидорли талабалар корхоналар стипендиясини олд, 100 дан зиёд битирувчилар иш билан таъминланди.

Университет ва “Шўртан газ-кимё мажмуаси” МЧЖ ҳамкорлигида “Газ-кимё ва энергетика” илгор муҳандислик мактаби ташкил этилган бўлиб, “тармоқ — корхона — олийгоҳ” тамойили йўлга қўйилди. Бу мактаб соҳада кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларнинг муҳим тизимига айланди.

Маълумки, илгор муҳандислик мактабининг асосий мақсади саноат ҳамкорлари эҳтиёжлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини ҳисобга олган ҳолда, нафақат юқори технологияли ва кўп тармоқли технологияларни ўзлаштиришга қодир бўлган, балки креатив фикрлайдиган, рационализаторлик

тақлифларини ишлаб чиқадиган “муҳандис-тадқиқотчи” малакасига эга янги авлод кадрларини тайёрлашга қаратилган.

Ана шу мақсаддан келиб чиқиб, мактабнинг ўқув-усlubий таъминоти жаҳондаги етакчи 300 университет, жумладан Малайзиянинг Петронас технологиялар университети, Дрезден техника университети (Германия), Томск политехника университети (Россия)нинг чуқурлаштирилган модулли ўқув дастурлари, ўқув режалари, хорижда чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар, илгор педагогик технологиялар асосида шакллантирилди.

Хозирда 1-босқич магистрларидан 23 нафари илгор муҳандислик мактабига танлов асосида олинган бўлиб, нефть ва газни қайта ишлаш

корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик амалий натижаларга қаратилди, мақсад ва режалар яқдиллашди. Ийрик корхоналардаги айрим муаммолар ечими баҳамжihat ҳал этила бошланди. Масалан, ана шундай лойиҳалардан 5 таси амалга оширилиши билан университетимизнинг хўжалик шартномалари бажарилмоқда. Корхоналарнинг 5 нафар мутахассиси олимларимиз билан биргаликда шу лойиҳалар асосида тадқиқот ишларини олиб бориб, илмий даражага эга бўляпти. Энди бундай мутахассислар бизнинг талабаларимизга дарс ўтади. Бу таълим сифатини янада яхшилашга, талабаларнинг эртага ўзлари меҳнат қиладиган заводлар ҳақидаги тасаввурини, билим ва тажрибаси орттиришга хизмат қилади.

“Ғоялар фабрикаси”

Университетимизда муҳандислик соҳасида ёш олимлар ва талабаларнинг бизнесга йўналтирилган инновацион ғояларини бозорга тайёр маҳсулот сифатида етказиш, тадқиқотчилар ишланмалари, лойиҳаларининг тажриба нусхалари ҳамда прототипларини яратиш ва синовдан ўтказиш мақсадида “Устахона-Fablab”, 3D-лоийҳалаш ва моделлаштириш ҳамда кичик ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилаётди.

Виллоятдаги илмий-техник лойиҳаларни бошқариш, тадбиркорлик фаолиятини қўлаб-қувватлайдиган корхоналар билан ўзаро самарали ҳамкорлик ўрнатилади ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш амалга оширилади. Бунинг учун университетимизда янги бино қурилди, ҳозир жиҳозлаш чоралари қўрилмоқда.

Яқинда АҚШнинг Массачусетс университетига тахсил олган хорижий экспертлар иштирокида “Fablab” бўйича концепция ишлаб чиқилиб, иш берувчилар талабалари асосида 4 та йўналиш белгилаб олинди. Бунда ҳам бош ғоя талабаларнинг интилишларини юзага чиқариш ва уларнинг бандлигини таъминлаш.

Бундан ташқари, университет қошида энергетика соҳаси учун сунъий интеллект ва рақамлаштириш, инжиниринг, ишлаб чиқариш муаммолари ечимига қаратилган илмий-инновацион ишланмаларни яратиш ва тижоратлаштириш йўналишида илмий-амалий фаолият олиб борадиган “Яшил энергетика ва интеллектуал энергетик тизимлар” илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш мўлжалланган.

Кафолатли диплом — мақбул таклиф

Олийгоҳлар мавқеи ҳақида сўз юритганда, биринчи навбатда, уларнинг илмий салоҳияти, таълим сифати, моддий-техник базасига эътибор қаратамиз. Амалда ҳам шундай. Шунинг учун ҳам университетимизнинг фан дастурлари ва ўқув режалари дунёнинг ТОП-300 талик рўйхатидаги университетлар ўқув режаларига мосланмоқда. Чет элдан мутахассислар жалб қилинади. Бугунги мутахассис, аввало, хорижий тилларни яхши билиши, ўз соҳасига оид дастурлар бўйича тажрибага эга бўлиши лозим. Энг асосийси, битирувчининг дипломи кафолатли бўлиши зарур.

Кузатишларимиздан шу нарса аён бўлдики, бугунги кунда халқро меҳнат бозорига муҳандис кадрларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилда АҚШда 600 минг, Германияда 150 минг, Буюк Британияда 40 мингдан зиёд мутахассисга эҳтиёж бўлган.

Бизнинг муҳандис талабалар хорижда осон иш топиши учун, аввало, уларга замонаг мос таълим беришимиз, шунингдек, асосий таълим йўналишларини халқро аккредитациядан ўтказишимиз керак бўлади. Бугунги кунда университетнинг 3 та магистратура мутахассисликлари ва 2 та бакалаврият таълим йўналишларини халқро аккредитациядан ўтказиш бўйича Германиянинг ASIIN халқро аккредитация ташкилоти билан шартнома имзоланди.

Биз бу йил 3 та магистратура ва 2 бакалавр таълим йўналишларини Германиянинг ASIIN компаниясида халқро аккредитациядан ўтказиш бўйича шартнома имзолдик. Бу нима беради? Эртага талабанинг дипломига қўшиб халқро аккредитация сертификатини ҳам берамиз. Демак, битирувчининг қўлида университет дипломи, муҳандисликка оид халқро сертификат, тил билиш бўйича яна бир сертификати бўлса, у ишсиз қолмайди. Нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ҳам ўзига муносиб, сердаромад ишни осон топа олади.

Кадрлар тайёрлашда ўқитувчиларнинг ҳам амалий кўникмаси юқори бўлиши керак. Шунга кўра университетда, энг аввало, Қашқадарёдаги ийрик ишлаб чиқариш корхоналарида ўқитувчилар стажировкасини ташкил этилди. 2025 йилда 120 нафар ўқитувчининг хорижда малака ошириш режалаштирилган. Хитой билан ҳамкорликни кенгайтириб, улар билан стажировка дастурларини келишган ҳолда ўқитувчиларни 10-15 нафардан гуруҳ шаклида юбориш мўлжалланган.

Келажакка қўйилган қадам

Талаба биздан кетгани унинг тақдир зимамиздан соқит бўлди дегани эмас. Тўғри, битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун биз улар билан тўғридан тўғри ҳамкорлик ўрнатиб, биргаликда ҳаракат қилмоқчимиз. Айтиш мумкинки, талабани ишли қилиш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.

Хозир ёшлар бандлигини таъминлаш барча мутасаддиларнинг асосий вазифасига айланган. Қашқадарё виллоят ҳокимлиги томонидан ишга жойлаштиш қийин бўлган соҳалар танлаб олинди, ўрганилиб, ёшларга амалий ёрдам бериш чоралари қўрилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Келажакка қадам” дастури ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўлаб-қувватлаш, оиласи иқтисодини юксалтириш борасидаги мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Биргина университетимиз мисолида айтадиган бўлсак, шу кунга қадар 78 нафар талабамизга 2 миллиард 492 миллион сўм миқдорда кредит берилди.

Талабалар бандлигини таъминлашнинг яна бир омил — уларнинг тил билиш даражасини ошириш. Фан дастурларини ўзгартириш баробарида чет элдан келтирилаётган янги адабиётларни ўрганиш, таржима қилиш, амалиётда жорий этиш масаласи бор. Ана шунда гап яна тил билиш даражасига бориб тақалади. Тил курсларини ташкил этиш ва мутахассислик фанларини инглиз тилида олиб бориш лозим бўлади. Биз масофавий таълимни йўлга қўйялмиз. Хориждан талаба жалб қилиш режаларимиз бор. Бунинг учун чет тилларини биладиган ўқитувчилар ва ўқувчиларга эҳтиёж яна ортади.

САЛОҲИЯТНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШНИНГ МУНОСИБ ФУРСАТИ

“Долзарб 90 кун”

Бугунги даврда ёш авлоднинг ҳар томонлама етуқ, билимли ва фаол шахслар бўлиб камол топиши мамлакатимиз тараққиёт йўлининг муҳим пойдевори ҳисобланади. Айниқса, таълим муассасаларидаги ёзги таътил даврини мазмунли ва самарали ташкил этиш, уларнинг бўш вақтини фойдаланган машғулотларга йўналтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада “Долзарб 90 кун” лойиҳаси юртимиздаги олийгоҳлар фаолиятида ҳам самарали даврни бошлаб берди. Ташкент кимё-технология институтини ҳам ушбу лойиҳани масъулият билан, юксак савияда амалга ошириб, талабалар, ўқувчилар ва маҳалла ёшлари учун ёзги таътилни нафақат дам олиш, балки шахсий ва касбий ўсиш даврига айлантиришга эришмоқда.

бу эса лойиҳа иштирокчиларини янада руҳлантириш шубҳасиз.

“Долзарб 90 кун” доирасидаги тадбирлар орқали Шайхонтоҳур туманидаги 51 та маҳалла ҳамда 35 та мактаб қамраб олинган бўлиб, белгиланган режа-график асосидаги ҳамкорлик ҳисобига мунтазам тўғарак ва машғулотлар ўтказиб келинади.

Лойиҳа доирасидаги чора-тадбирлар дастурида ҳафтанинг ҳар бир кунини учун аниқ тематик йўналишлар белгиланган. Бу режа-график лойиҳанинг таълим ва узулксиз амалга оширилишини қафолатлайди. Душанба кунини маънавий-маърифий тадбирлар, санъат кўрсатмалари ва “Заковат” интеллектуал ўйинларига бағишланади, сешанба кунини спорт мусобақалари ва киберспорт ўйинлари ёшларнинг жисмоний ва ақлий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Чоршанба кунини кино ва театр санъати, пайшанба



Институтда “Талабалар медиа гуруҳи”нинг ташкил этилиши ва унинг зарур воситалар билан жиҳозланиши лойиҳа доирасидаги барча тадбирларнинг оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилишига имкон яратган. Бу эса лойиҳанинг шаффофлигини таъминлаб, унинг аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишда муҳим ўрин тутди. “Ёшлар бандлиги ойлари” доирасида битирувчи курс талабаларига “Давлат хизматига ишга кириш тартиби” мавзусида семинарлар ташкил этилди. Шунингдек, “Ўзимёсанот” АЖ ҳамкорлигида Саноат муҳандислиги ва менежменти факультети битирувчилари учун ташкил

тўғараклари ҳам талабаларнинг назарий билимларини амалиётда янада мустаҳкамлайди. Буларнинг барчаси институтнинг ёшлар учун назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларини ҳам ривожлантиришга жиддий эътибор қаратаётганини кўрсатади.

Лойиҳа якунида турли йўналишларда фаол иштирок этган ёшлар муносиб рағбатлантирилди. Футбол, волейбол, шахмат ва стол теннис буйича спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаган иштирокчилар, “Қараоке кечаси”, икюдий учрашувлар ва “Заковат” интеллектуал ўйинда фаол қатнашган ҳамда қоғиликни кўлга киритган ёшлар диплом ва қимматбаҳо эсдалик совгалари билан тақдирланди. Бундай рағбатлантиришлар ёшлар орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш ва ўз устида доимий ишлашга ундашга муҳим омил бўлиб хизмат қилади. “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида институт талаба ёшлари ўртасида “Спорт — саломатлик гарови!” шiori остида футбол мусобақаси ташкил этилди. Велоспорт мусобақаси ҳам ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган муҳим тадбирлардан бири бўлди.

“Долзарб 90 кун” ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказишлари, уларни жамиятнинг фаол ва ташаббускор аъзолари этиб тарабиялашга қаратилган муҳим қадамдир. Бу каби тадбирлар нафақат ёшлар орасида икюбий қайфият яратди, балки уларни жамиятга фойдали шахслар сифатида шакллантириш, Ватанга садоқатли бўлиш, ўз миллий қадриятларига ҳурмат билан ёндашишга ундашга ҳам муҳим роля ўйнайди. Ташкент кимё-технология институтини келажакда ҳам ёшлар билан ишлаш, уларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш ва салоҳиятини юзага чиқариш бўйича изчил ишлашда давом этади.

